



## ҲИМОЯЛАНГАН МАЙДОНДА ЕТИШТИРИЛГАН ПОМИДОР ДУРАГАЙЛАРИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИДОРЛИГИ

**C. T. Санаев**

ТошДАУ СФ профессори

**Ж. И. Эргашев**

СамДУ магистранти

**A. И. Набиев**

Тош ДАУ магистранти

**Аннотация:** Уибу мақолада помидорнинг халқ ҳўжалигидаги аҳамияти, таркиби ҳамда ҳимояланган ерларда етиширилган помидор дурагайларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** Помидор, ҳимояланган майдон, сабзавот, дурагай, вегетация, фенологик кузатишлар, биометрик ўлчовлар, екин сифати, бир тупдан олинадиган ҳосил, ҳосилдорлик, ҳосилдорлик.

**Кириш.** Ўзбекистонда аҳоли жон бошига йил давомида помидор ишлаб чиқариш 15-18 кг ни ташкил этмоқда. Бу эса тавсия этилган оқилюна меъёрдан 7-10 кг кам бўлиб қолмоқда. Шуни хисобга олиб республикамиз хукумати, жумладан Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳўжаликларда помидор майдонини кенгайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш орқали талабни қондиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Ўзбекистонда помидор очиқ майдонда сабзавотлар экиладиган умумий майдоннинг 45-50 фоизини эгаллайди. Ҳимояланган майдонларда эса помидор 40-42 % майдонни эгаллайди ва иссиқхона ялпи сабзавот маҳсулотларининг 30 % ини ташкил этади. Помидор ҳосили истеъмолда янгилигича, тузланган, сиркаланган ҳамда консерва саноатида қайта ишланиб – томат-пюре, томат-паста ва томат шарбати ҳолида ишлатилади.

Помидорнинг пишган қизил меваси таркибида, ҳўл вазнига нисбатан 6,0-6,6 % қуруқ модда, 0,95-1,0 % оқсил, 3,0-4,0 % шакар, 0,2-0,3 % мойлар, 0,8-0,9 % целлюлоза, 0,6 % қул, 0,5 % органик (олма, лимон) кислоталар, 19-35 мг/% витамин «С» (аскарбин кислотаси), 0,2-2,0 мг/% каротин, 0,3-1,6 мг/% тиамин (B1), 1,5-6,0 мг/% рибофлавин (B2) кабилар сақлайди. Помидор мевасининг биокимёвий таркиби етишириш шароитига ва технологиясига, навига, меваларнинг пишиш даражасига, ҳосилни йиғиши муддатига қараб қисман ўзгариб тўради (Т.Э.Остонакулов., В.И.Зуев., О.Қ.Қодирхўжаев 2019).

Аҳолини помидор ва унинг маҳсулоталарига бўлган эҳтиёжни қондириш истеъмолда мавсумийликни бартараф этишнинг асосий ўйларидан бири кам харажатли баҳорги плёнкали иссиқхоналардан унумли фойдаланиш, юқори ҳосилли нав ва дурагайларни танлаш, ресурстежамкор технологияларни қўллаш асосида ҳар бир м<sup>2</sup> дан олинадиган ҳосилдорликни оширишдан иборат.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4020-сонли “Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 20 март ПҚ-4246-сонли “Ўзбекистон



Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чоратадирлар тўғрисида” ги қарорларида ҳам бир қатор вазифалар белгилаб белгиланган.

**Тадқикот жойи, обьекти ва услублари.** 2021-2022 йилларда олиб борилган илмий тадқиқотларимизда Самарқанд вилояти Тойлоқ туманида жойлашган Сабзавот полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти Самарқанд илмий тажриба станцияси шароитида баҳорги плёнкали иссиқхоналарда помидор нав ва дурагайларини етиширишга мослиги бўйича танланиб, етишириш технологиясининг айrim элементларини ишлаб чиқилди. Тадқиқотимиз обьекти сифатида помидорининг Баҳор F1 н-т, Аламина F1, Малинка F1, Веста F1, Винера F1, Махиток F1 дурагайлари, ҳамда иссиқхона олинди. Тадқиқотнинг предмети бўлиб, помидор дурагайлари ўсимликларининг ўсиши, ривожланиши, барг, поя ва мевалари хизмат қилди. Тадқиқотлар умумқабул қилинган услублар асосида ўтказилди.

**Тадқиқот натижалари.** Олиб борилган тажрибаларимиз помидор дурагайлар уруғлари экишга тайёрлаш ва кўчатларини етиширишдан бошланди. Бунда помидор уруғлари январ ойининг бошларида плёнкали кўчатхонада озиқ аралашмаларга тўлдирилган 10 см ҳажмли полиэтилен қопчаларга ҳар бир уяга бир донадан экилади. Помидор ниҳоллари униб чиқсандан сўнг 55-60 кун мобайнида 6-7 та чинбарг ҳосил қилгунча кўчатхонада ўстирилди.

Тажрибада кўчатларни доимий жойга яъни баҳорги иссиқхонага лента усулида экиб ўстирилди. Бунда ленталар ораси 90 см, қаторлар орасини 60 см ва ўсимлик туплари орасини 40 см дан қилиб жойлаштирилди. Тажрибада фенологик ва биометрик кузатувлар олиб борилди.

Тажрибада ўрганилган помидор дурагайларда фенологик кузатувлар натижасига кўра, экилган уруғлар униб чиқиши 5 - 6 кунда қайд этилди.

Ўрганилган дурагайлар орасида нисбатан эртароқ униб чиқан ниҳоллар Малинка F1 ва Веста F1 дурагайларига тегишли бўлиб, ниҳолларнинг ўниб чиқиши экилганинг 4-5 кунда қайд этилди. Экилган уруғларнинг нисбатан кеч униб чиқиши Аламина F1, ва Махиток F1 дурагайларида кузатилиб экилганинг 6 кунда қайд этилди.

Ўрганилган дурагайлар ўсимликларининг биринчи ва бешинчи чинбаргларини пайдо бўлиши кузатилди. Бунда биринчи чинбарглар ҳосил бўлиши дурагайлар аро 6 - 7 кунда намоён бўлди. Бешинчи чинбарглари эса 24 - 27 кунда, яъни энг эртароқ 24 кунда Малинка F1 дурагайида кузатилди. Қолган дурагайлала 25 - 27 кун оралиғида қайд этилди. Шоналарнинг пайдо бўлиши кузатилганда яъни биринчи шона пайдо бўлган кун энг эрта 38 - 40 кунда Малинка F1 ва Веста F1 дурагайида кузатилди. Қолган дурагайлар нисбатан кеч шоналади. Тажрибада ўрганилган дурагайларнинг гуллаши кузатилганда дурагайлар аро 50 - 53 кунни ташкил этиб, нисбатан эрта гулга кириш Малинка F1 ва Веста F1 дурагайларида қайд этилди.

Тажрибаларимизда ўсимликда шингилларнинг пайдо бўлиши ва меваларни шаклланиши ҳам тадқиқ қилинганда ҳар бир тупда ўртача шингиллар сони 12,8 - 12,4 та, мевалар сони эса 28,6 - 33,4 дона бўлди.

Баҳорги иссиқхона шароитда ҳар хил дурагайларни ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам аниқланди. Бунда ҳар бир ҳосил теримда ҳар бир дурагай бўйича ҳосил алоҳида торозида ўлчаниб бир квадрат метрдаги ўсимликлардан олинган ҳосилдорлик кўрсаткичлари аниқланди. Ўрганилган дурагайларда товарбоп ҳосил чиқими бир биридан фарқланди.



Бунда энг юқори товарбоп ҳосил Малинка F1 (15,8 кг) ва Веста F1 (14,7 кг) дурагайларида қайд этилиб бир метр квадратдан дурагайлар аро 11,9 - 15,8 кг ҳосил олинди ва товарбоп ҳосил улуши эса 85,8 - 95,2 фоизни ташкил этган. Қолган дурагайларларда товарбоп ҳосил миқдори 10,2 – 15,04 кг ни ташкил этди.

**Хулоса.** Ҳимояланган ёпик усулда ўстиришга мос помидор дурагайларни ўстиришда, ҳар қандай тупроқ иқлим шароитига мос дурагайларни тўғри танлаш ҳар бир метр квадрат ердан 14,4 – 15,8 кг дан ошириб товарбоп ҳосил олишни таъминлар экан.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрь ПҚ-4020-сонли “Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 март ПҚ-4246-сонли “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори.
3. Зеув В.И. ва бошқалар. Ҳимояланган жой сабзавотчилиги. Т., 2014.194 бет.
4. Остонақулов Т.Э., Зеув В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Сабзавотчилик. Т., 2019, 460 бет.
5. Санаев С.Т., Эргашев Ж.И. Ҳимояланган ерларда помидор ўстириш хусусиятлари. International scientific journal «global science and innovations 2021: central asia» 102-105 с. Nur-sultan, kazakhstan, december 2021.
6. Эргашев Ж.И., Санаев С.Т., Халмирзаев Б.Х., Нормурадов Д.С. Баҳорги плёнкали иссиқхоналарда помидор дурагайларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги. Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал №5/1 (89), 123-125 бетлар. 2022